

---

## Қува ўғлони Осиё чемпиони бўлди

19 апрель куни Таиланд пойтахти Банкокда старт олган бокс бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионатининг 26-апрел куни ўтказилган финалдаги барча жанглар якунига етди. Унда 56 кг гача бўлган вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Қувалик Миразиз Мирзахалилов Шимолий Кореялик рақиби Жо Хё Намни мағлуб этиб, Осиё чемпионига айланди. Мирзахалилов финал жангининг 3-раундида рақибини танг аҳволга солиб қўйди ва Шимолий Кореялик боксчи жангни давом эттира олмади, рефери техник нокаут қайд этди. Шу пайтгача тўпланган баллар бўйича Миразиз Мирзахалилов ғолиб деб топилди - 19:19, 19:19, 20:18, 19:19, 19:19  
2019-04-27 15:17:25